

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## МАЪНАВИЯТГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Нурафшон шаҳрида вилоят Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Видеоселектор кўринишида ўтган мулоқотда Кенгаш аъзолари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, тегишли гуруҳ ва котибият раҳбарлари, ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари, шунингдек, ҳудудий студиялардан туман ва шаҳарлар ҳокимлари, таълим ва маданият-маърифий муассасалар раҳбарлари иштирок этдилар.

### Вилоят ҳокимлигида

Вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши раиси, вилоят ҳокими Фуломжон Ибрагимов бошқарган йиғилиш Президентимизнинг 2017 йил 28 июлдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги bosқичга кўтариш тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар таҳлили ва галдаги муҳим вазифалар муҳокамасига бағишланди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий имунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими дунёда глобаллашув жараёнида кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бораётган ҳозирги вазиятда ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Йиғилишда айрим ҳудудларда раҳбарларнинг маънавий-маърифий соҳалар ривожига эътибори ҳали хануз етишмаётгани, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чечка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаси олиб борилаётгани танқидий кўриб чиқилди. Жиноятчилик, ди-

ний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий кадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларини тизимли ва манзилли йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди.

Шу билан бир қаторда, маънавий-маърифий тарбиянинг узвий бўлини сифатида жойлардаги қабристон ва табаррук қадамжолар, зиёратгоҳларнинг бугунги аҳолидан келиб чиқиб, уларни ободонлаштириш ва тартибга келтириш юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Вилоят "Маънавият ва маърифат" маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолият самарадорлигини ошириш, моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш, мақолали кадрлар билан тўлдириш вазифаларини тўлалигича охирига етказиш бўйича зарур тақлифлар ишлаб чиқилди.

Мазкур йўналишларда олиб борилаётган ишлар ва галдаги режалар юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари Б. Аҳмедов, вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби Ш. Жумоев, вилоят "Маҳалла" хайрия жамоат фонди раиси Х. Ҳамидов, шунингдек, бир қатор туман ва шаҳар ҳокимларининг ахборотлари тингланди.

Вилоят Маънавият ва маърифат кенгашининг янги таркиби ва тақомиллаштирилган иш режаси тасдиқланди.

Ўз мухбиримиз

## МАРДЛИК МАКТАБИДА ТОБЛАНГАН ЎҒЛОНЛАР

Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юртида белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни кузатиш маросими бўлиб ўтди.

### Ватанга хизмат — муқаддас бурч

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 13 январдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақирувчи ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуrolли Кучлар резервиги бўлаштиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган маросим бу гал ҳар сафаргидан бошқача, жуда катта тантана ва байрамона шуқуҳ билан ташкил этилди. Буни билим юрти саф майдонида аввалги маросимларда бўлга-

ни сингари 250-300 киши эмас, шаҳардаги таълим муассасаларининг икки ярим мингдан ортиқ ўқувчи-ёшлари жамулжам бўлгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Маросимда сўзга чиққанлар Миллий армиямизда хизмат ўташ бугун йигитлар учун асл шон-шараф ишига айлангани, ҳарбий хизмат том маънода ёшларни чиниктирувчи, маънавий камолот сари етакловчи мардлик, фидойилик, ватанпарварлик мактаби бўлиб қолганини мамнуният билан таъкидладилар.



Қайд этиш зарурки, хизматни намунали ўтаган 66 аскар олий ўқув юртига киришда имтиёз берадиган тасвияномага эга бўлди. Улар орасида қорақалпоғистонлик Анвар Омонгелдиев ҳам бор.

— Бугунги қувончимни сўз билан ифодалашим қийин, — дейди Анвар. — Ота-онам, яқинларим бағрига ёруғ юз билан кетаяпман. Муҳими, ўз ҳаётим, келажагим ҳақидаги тасаввурларим бугунлай ўзга-

риб кетди. Олий ўқув юртида қайиш, эл-юртимга наф келтирадиган мутахассис бўлиш — энг катта орзуимдир.

Тадбир давомида ҳарбий ва жанговар тайёргарликда юксак натижаларга эришганларга фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар топширилди. Ҳарбийлар ўқувчиларга эсдалик учун китоблар тортиқ қилишди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий ҳарбий оркестри жамоаси, Қуrolли Кучлар марказий ашу-

ла ва рақс ансамбли иштирокида концерт ташкил этилди. Билим юрти курсантларининг кўргазмалари чиқишлари ҳам барчага манзур бўлди.

Энг муҳими, мазкур тадбир бу ерга йиғилган икки ярим мингдан зиёд ўқувчи-ёшлар қалбида эл-юртга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш иштиёқини тоблади.

Алишер РАҲМАТОВ

СУРАТЛАРДА: маросим лаҳзалари

## АРЧАЗОРЛАР — ТАБИАТ МУСАФФОЛИГИ МАНБАИ

Сўнгги йилларда ўрмон ҳўжалиги соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиши туфайли давлат ўрмон фонди ҳудуди республика умумий ер майдонининг 25,2 фоизини ташкил этиб, сезиларли даражада кенгайди.

### Экология

Президентимизнинг 2017 йил 11 майдаги "Ўзбекистон Республикаси ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонида ўрмон фонди ерларининг экологик ҳолатини яхшилаш, ўрмонларни кенгайтириш ва қайта тиклаш, қўлга айланишининг олдини олиш, ихота ўрмонлари барпо этиш бўйича самарали инновацион усуллар ишлаб чиқиш борасида зарур вазифалар белгиланган эди. Бунда минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда қургўқчиликка, зараркунанда ва касалликларга чидамли ўсимликлар турини танлаш, қўпайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада Уғом-Чотқол давлат миллий табиат боғи таркибидеги Қурама тоғ тизмасини ўз ичига олган Оҳангарон ўрмон ҳўжалиги ҳавоси мусаффо, суви зилол ва қишнинг қорли-қировли кунларида киши кўзини қувнатадиган, кўнглига сокинлик бағишлайдиган қалин арчазорлар билан алоҳида ажралиб туради. Бу ернинг ўзига хос иқлими, ўрмонзорлари, катта-кичик жилга ва сойлари, умуман, гўзал табиати барчани ўзига мафтун этади.

Умумий майдони 9 минг 220 гектардан иборат бўлган мазкур ўрмон ҳўжалигининг 14-назорат ҳудудидеги Зарафшон арчасини қўпайтиришда илғор фан ютуқ-



ларидан, самарали ишлаб чиқариш тажрибаларидан фойдаланилмоқда. Зарафшон арчасининг бўйи 10-15 метр, диаметри 1-1,5 метр, шох-шаббаси қалин, шарсимон, пирамида ёки ёйиқ шаклдаги дарахтдир. У уруғидан кўпаяди. Уруғи учбурчак, тухумсимон, ерга тўкилгандан сўнгра қулай шароитда 1-3 йилда униб чиқади. Катта ёшида илдизи бақувват бўлиб ривожланади.

Давоми 2-бетда

### Тадбиркорлик

Ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг асосий сабабларидан бири бу — ишсизлик экан. Вақтини беҳуда сарфлаш аввалига турли зарарли иллатлар ва кўнгул хушлашга, кейин эса ҳуқуқбузарликка етаклашгани мутахассислар амалиётда кузатдилар.

## ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР АМАЛИЁТИ

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда 2012 йилдаги ишсизлик 2000-йилдан кейинги энг юқори кўрсаткичга кўтарилган бўлиб, 197,3 миллион киши, бошқача айтганда, ишга лаёқатли аҳолининг ҳар учинчиси ишсиз ёки қашшоқликда яшаётгани аниқланган. Энг ёмони эса, уларнинг аксарияти ёшлардир.

Таъкидлаш керакки, ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бандлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор масалаларидан биридир.

Вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида янги иш бошлаган корхона, ташкилот борки, аввало, ёшларни ишга қабул қилади.

Бўка туманидаги "Хўжақўрғон" маҳалласида қад ростлаган "GLASS HOUSE" масъулияти чекланган жамияти мисолида ҳам фикримиз тасдиғини яққол кўриш мумкин. Автомобиль ва маиший техника ойналари ишлаб чиқарувчи корхона ишчиларининг аксарияти ёшлар.

Давоми 2-бетда

## ДОИМИЙ РАҒБАТ — МЕҲНАТКАШЛАРГА МАДАД

Ўзбекистон — жаҳон ҳўжалик муносабатларида фаол иштирок этаётган йирик қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади. Айниқса, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг хорижий давлатлар билан ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳаларда мустаҳкам алоқаларни ўрнатаётгани самарасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти жадал ортиб бормоқда.

### Тухфа

Айниқса, серқуёш юртимизнинг олтин заминидеги етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг Осиё ва Европа мамлакатларида бозори чаққон. Президентимиз виллоятимизга бир неча мартаба қилган ташрифлари давомида туманларимизни узумчилик, боғдорчилик, чорвачилик, асалари-чилик каби қатор йўналишларга ихтисослаштирган ҳолда виллоятнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш бўйича тегишли кўрсатмалар берган эди. Айни пайтда бу топшириқлар ижроси бўйича

кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Нурафшон шаҳрида ўсимликларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича ўтказилган семинар ҳам бевосита қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Виллоят ҳокими Фуломжон Ибрагимов бошчилигида ўтказилган мазкур анжуманда туманларда фаолият юритаётган 38 та биологатория, "Агрохимёзия" ҳудудий акциядорлик жамиятининг жойлардаги филиаллари, турли таш-



килотлар раҳбарлари ва мутасадди ходимлари иштирок этди.

Семинар давомида жорий йилда галла, гўза, ток, боғлардаги мева-дарактлар ва сабзавот ўсимликларини ҳимоя қилиш, уларга зиён етказиш мумкин бўлган зараркунандаларга қарши курашишда қўлланиладиган биомасулотлар захирасини яратиш каби долзарб масалалар

кенг муҳокама қилинди.

Маълумки, бугунги кунда экологик тозалик ва хавфсизлик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига қўйилаётган асосий талабдир. Ушбу талабларга жавоб бериш ўсимликларни турли касаллик ва зараркунандалардан асрашдан тортиб, то тайёр ҳосилни сақлаш ва истеъмолчига етказиб беришгача бўлган жараёнда уларга ишлов берилаётган

усул ва воситаларга боғлиқ бўлмоқда.

Бугунги кунда виллоятдаги биологаторияларнинг барчаси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, янги мавсумга шай ҳолга келтирилди. Ўсимликларни ҳимоялаш ва зараркунандаларга қарши курашишда биологик ҳимоя воситалари — энтомофаглар, яъни фойдали ҳашаротларнинг самараси катта. Шунинг учун ҳам биологаторияларда энтомофагларни қўпайтириш режа асосида ташкил этилади. Хусусан, бу йил февралда "олтинқўз", март ойда эса "бракон" ва "трихограмма" қўпайтирилади.

Мазкур биологаториялар самарадорлигини қўпайтириш, уларда етиштирилган энтомофагларни фермер ва деҳқон ҳўжаликларида етказиб бериш сифатларини ошириш мақсадида биологаторияларга виллоят "Ма-

ҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан Президент совғаси — 25 та мотороллер, 30 тадан совутгич ва кондиционер, 26 та электр печь тақдим этилди.

Бизнинг фаолиятимиз бевосита қишлоқ ҳўжалиги вакиллари — фермерлар ва деҳқонлар билан боғлиқ, — дейди Бекобод туманидаги биологатория раҳбари Ўқтам Бердиев. — Биз етказиб бераётган биологик воситалар ўсимликларни ҳимоялаш ва зараркундаларни йўқ қилиш орқали деҳқонлар етиштираётган ҳосилнинг мўл бўлишига хизмат қилади. Шундай экан, Президентимизнинг совғалари ишимиз сифати ва салмоғини оширишда самарали ёрдам беради.

Зоҳир ТОШХЎҲАЕВ,  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбири  
Равшан МИРЗАКУЛОВ  
олган сурат



## ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАР АМАЛИЁТИ

Улар Италиянинг "Intermag" ва Хитойнинг "Nord Glass" номли замонавий ускуналарида ишни компьютер орқали бажардилар. Бу иш унумдорлиги ва маҳсулот сифатини таъминлайди.

Корхона бугунга қадар 1 миллиард 800 миллион сўмлик маҳсулотни ўз харидорларига етказиб берди. Хорижлик ҳамкорлар билан бўлаётган музокаралар иш берса, корхона маҳсулоти чет элга экспорт қилинади. Бу эса янада кўпроқ иш ўринлари очилишига замин яратди.

— Йигит киши учун муҳими, аввало, муқим ишга эга бўлиш, — дейди корхона ишчиси Ботир Шапатов. — Ойнаи жаҳон орқали хорижлик тенгдошларимизни замонавий дастгоҳларда ўзлари қизиққан

соҳада ишлашларини кўриб, ҳавасим келарди. Кишлоғимизда ана шундай корхоналар очилиши, у ерда ишлашим ушалмас орзудек эди. Буни қаранг, орзулар рўёбга айланди.

Кувонарлиси, Ботиржон фаолият юритаётгандек замонавий, сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган корхона "Ўҳажон"да битта эмас. Масалан, "Universal Diller" масъулияти чекланган жамияти ҳам шу ерда жойлашган. Корхонада мош, нўхат, қизил ловия каби дуккакли экинлар ва мева-сабзавотлар қадокланади.

— Технологиялар Туркиядан келтирилган, — дейди корхона иш юритувчиси Махмуджон Даминов. — Ускуналарнинг афзаллиги шундаки, иш компьютер орқали бошқариб турилади. Бу эса инсон меҳнатини энгиллаштиради. Ўттиз

нафардан зиёд ишчиларимиз ўз вазифаларини масъулият билан адо этадилар.

Айтиш керакки, корхона ўтган йили Хиндистон, Хитой, Бирлашган Араб Амирлиги, Афғонистон давлатларида 2 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилди. Маҳалла ҳудудидан бундай корхоналарнинг иш бошлагани том маънода аҳоли учун айнаи муддао бўлди.

— Фуқароларимиз учун иш ўринлари очилапти, табиийки, уларнинг рўзгорига барака кирапти, — дейди "Ўҳажон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фарҳод Маматов. — Демак, дастурхонларимиз янада тўкин, оилаларимиз фаровон бўлади.

**Ирода НОРОБОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбири  
Мансур ХИММАТОВ  
олган сурат

## АРЧАЗОРЛАР – ТАБИАТ МУСАФФОЛИГИ МАНБАИ

Қурғоқчиликка чидамли ва илдизи бакуват бўлгани боис қор кўчиш хавфи бор тоғ қияликларида экилади. Олимлар Зарафшон арчаси ва уруғининг униш жараёнига бағишланган илмий тадқиқотлар натижасида тўпланган маълумотлар арчани селекция қўлайтириш учун вегетатив усулни қўллаш кераклигини таъкидлайди. Бу усулдан ўрмон хўжалигимизнинг махсус кўчатхоналарида фойдаланиб, арчаларни ҳар йили 20 гектар майдонга экимиз ва униб-ўсишини йил давомида назорат қилиб борамиз.

Айни пайтда мавжуд ўрмонларни тиклаш, ёнғиндан, ўзбошимчилик билан кесилдан, турли касаллик ва зараркунандалардан асраш, тупроқ эрозиясига қарши курашиш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Ҳудудда ноёб ландшафт, ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, бетакор табият гўшасини асрашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ортимиз тоғли ҳудудларида ўсадиган арчалардан маданий ўрмон барпо этиш орқали тоғ ўрмонларининг экологик самарадорлигини ошириш мумкин. Бир гектар нинабарли ўрмон бир йилда 1 минг 460 кило-

грамм фитонцид ажратди. Бу эса ҳаво таркиби тозаллигини таъминлайди. Тоғли ҳудудлардаги 200-300 ёшли арчалар илдизи орқали 3 тоннагача намликни сақлайди. Агар бу кўрсаткични бир гектардаги арчазор бўйича (400 туп) ҳисоблайдиган бўлсак, 1 минг 200 тонна намликни сақлаши мумкин. Бу эса шу ҳудуддаги ўсимликлар, микроорганизмлар ва ҳайвонот оламининг яшаши учун қулай шароитдир.

Ўзбекистон тоғ ўрмонларининг асосий қисми ҳар хил турлардан иборат бўлган арчазорлардир. Улар тоғнинг бошқа дарахт турлари кам учрайдиган қуруқ иқлим, денгиз сатҳидан 1 минг 200 метрдан 3 минг 500 метргача баландликда ўсади. Марказий Осиёда арча билан қопланган майдонлар 665,1 минг гектарни ташкил этиб, у барча тоғ ўрмонларининг 52 фоизини ташкил этади.

Бундай табият бойликларида оқилона фойдаланиш, уларга нисбатан тўғри муносабатда бўлишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш билан бирга, агроф-мухит мусаффолигини таъминлашга хизмат қилаётган экооламин ҳам асраш барчамизнинг бурчимиздир.

**А.МУСАЕВ,**  
ЎзА мухбири

## Тиббиёт

Ўзбекистонда биринчи марта жигарни кўчириб ўтказиш операцияси ўтказилди. Бу воқеа куни кеча ижтимоий тармоқларнинг бош мавзусига айланди.

## ПАРКЕНТЛИК АКА ЎЗ «ЖИГАРИ»ГА ЖИГАРИНИ БЕРДИ

Жигар инсон организмнинг энг муҳим органларидан бири ҳисобланади. Баъзан унинг меъридан ортиқ зарарланиши инсон саломатлигига жиддий хавф туғдиради.

Жигарни бошқа инсондан кўчириб ўтказиш яқин-яқингача тиббиётда ақл бовар қилмас амалиёт ҳисобланарди. Пойтахтдаги В. Вохидов номи Республика ихтисослаштирилган хирургия марказида бундай жарроҳлик амалиёти муваффақиятли адо этилди.

Таъкидлаш жоизки, бундай мураккаб амалиёт жаҳон тиббиётида кенг қўллаб келинаётганига қарамай, мамлакатимизда бу борада ҳуқуқий асосларнинг мавжуд эмаслиги сабабли, айни йўналишдаги тиббий изланишлар ҳаётга татбиқ этилмаётганди. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 октябрдаги тегишли қарорига асосан, яқин қариндошлар орасида

бўйрак, жигар бўлагини трансплантация қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди ва мазкур соҳанинг амалий равишга йўл очиб берилди.

Россия Федерациясининг Академик В. И. Шумаков номи Трансплантология

гитнинг соғлом ҳаётига қайтишида муҳим ўрин тутди. Беморга унинг 30 ёшли акиси ўз жигари бўлагини беришга қарор қилди ва ўттиздан ортиқ малакали шифокор ва ўрта тиббиёт ходими иштирокида қарийб 15 соат давом этган



ва сунъий аъзолар тиббий тадқиқот маркази директори, академик Сергей Готье раҳбарлигида юртимиз шифокорлари иштирокида ўтказилган жарроҳлик амалиёти бунинг амалий тасдиғи бўлди.

Қайд этиш зарурки, мазкур мураккаб амалиёт жигар хасталигидан азият чекиб келаётган пар-

жарроҳлик амалиёти муваффақиятли якунланди.

Мутахассисларнинг қайд этишича, авваллари бундай ноёб амалиёт хорижда ўтказиладиган бўлса, касалликнинг кўриниши ва турига қараб 20 мингдан 200 минг АҚШ долларигача бўлган маблағни талаб этган.

**Алишер РАҲМАТОВ**

## Яхши хабар

Қуйи Чирчиқ туманида ажойиб янгиликка қўл урилди. Туман тиббиёт бирлашмаси аҳолига сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш учун велопатронаж хизматини йўлга қўйди.

## ВЕЛОСИПЕД МИНГАН ҲАМШИРАЛАР

Маълумки, тиббий патронаж хизмати нафақат тиббий-профилактика ёрдами, балки аҳолининг соғлом ҳаёт кечиршини таъминлашга хизмат қиладиган қўллаб омиларни қамраб олади. Хусусан, айни пайтда Қуйи Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмасидаги 81 патронаж ҳамшираси 104 минг 248 нафар аҳолига хизмат кўрсатади.

Қуйи Чирчиқдаги патронаж ҳамширалар иши самарадорлигини ошириш, уларнинг узоғи

ни яқин қилиш мақсадида тиббиёт муассасаларига туман ҳокимлиги томонидан 22 та велосипед тақдим этилди.

Соҳада рўй бераётган бундай янгиликлар тиббий патронаж тадбирларини юқори савияда ташкил этишга мўлжалланган. Бу эса касалликларнинг ўз вақтида олдини олиш, айниқса, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофаза қилишида муҳим аҳамият касб этади.

**Ўз мухбири**  
**Қ. ҲОҒУРОВ** олган сурат



## ДИРЕКТОРГА АЙТОЛМАГАН ГАПИНГИЗ БЎЛСА...

Билим олиш жараёнида ўқувчилар ўртасида турли муаммолар, талаб ва тақлифлар туғилиши табиий ҳол. Бу масалаларнинг аксарияти мактаб директори кўмагисиз амалга ошмаслиги мумкин. Шу сабабли, мактабимизда Ёшлар иттифоқи етакчиси билан ҳамкорликда ҳар ойнинг тўртинчи шанбаси "Директор ва ёшлар" учрашувини ташкил этиш йўлга қўйилди.

## Бизга ёздилар

Унда мактаб маъмурияти аъзолари ҳам иштирок этиб, ўқувчилар мурожаатларига жавоб беришади. Мурожаатлар озағи ва ёзма равишда баён этилади. Ёзма мурожаатлар "Адолат қутиси"га ташланади ва у ердан директор қўлига етиб боради.

Бу учрашувларда ўқувчилар қатор саволлар билан мактаб раҳбарига юзланмоқда. Улар орасида ноҳақ баҳо қўяётган ўқитувчилар, сифатли ўқитилмаётган дарслар ва ёшлар учун керак бўлган буюмларни келтириш ва шунга ўхшаш қатор масалалар ҳам бор. Бу ўринда халқ билан мулоқот қилиш, аввало, энг қулай ўқувчилардан бошланиши кераклиги ва унинг самараси

яна бир бор ўз исботини топмоқда, дейиш мумкин.

— Мактабимизда ўтказилган "Директор ва ёшлар" учрашувиде Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти учун турли ахборот технологиялари воситалари зарурлиги ҳақидаги фикримни билдирдим, — дейди мактаб Ёшлар иттифоқи бош сардори Мирзабек Машакиров. — Директоримиз бошланғич ташкилот хонасини компьютер жиҳозлари билан таъминлашга ваъда берди.

Таълим масканимизда "Адолат қутиси" ва "Директор ва ёшлар" учрашувларининг ташкил этилиши ўқувчиларга манзур бўлмоқда. Энди ҳар бир ўқувчи ўзини

## Китобхонлик тарғиботи

Қуйи Чирчиқ туманидаги 27- ва 36-умумий ўрта таълим мактабларида "Китоб — саодатга элтувчи йўл" шiori остида акция ўтказилди.



Мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ишловлар жараёнида аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобга қизиқишини ошириш, мутлоаа маданиятини юксалтириш, жойларда кутубхоналар фаолиятини йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг

2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган китоб акцияси ҳам ана шу мақсадга хизмат қиляди.

— "Қуйи Чирчиқ тажрибаси", дея эътироф этилаётган мазкур акция вилоятимиз бўйлаб қулоқ ёймоқда, — дейди вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева. — Бугунги кунда аҳоли, айниқса, навқирон авлод ўртасида китобхонлар сафи тобора кенгайиб бораётгани барчамизни мамнун қилади. Ёшларимиз нафақат, матбаа нашрлари, балки электрон шаклдаги адабиётларни мутлоаа қилиш имкониятидан ҳам кенг фойдаланмоқда.

Мазкур акцияда ташкилотчилар томонидан "Ўзбекистон", "Ўқитувчи", Фафур Гулом ва Чўлпон номлидаги нашриёт матбаа-ижодий уйлари, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган ва миллий қадриятларимиз, бой тарихимиз акс этган 5 мингдан зиёд бадий, илмий-оммабоп китоблар жамланмаса ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан тайёрланган 1 минг 200 дан ортиқ турли номдаги электрон адабиётлар тумандаги 51 та умумтаълим мактабига тарқатилди.

— Китоб ўқиш инсон дунёқарашини кенгайтириб, билимини ошириш билан бирга, ҳаётга теран нигоҳ билан қарашга ўргатади, — дейди тумандаги 27-умумтаълим мактаби директори Яйра Усмонова. — Фарзандларимизни ҳар жиҳатдан баркамол тарбиялашда ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара асарларидан фойдаланиш айнаи муддодир. Болаликдан бошлаб, мутлоаа маданиятини шакллантириб бориш бугунги глобаллашув даврида, айниқса,

## Мулоҳаза

Ойлик маошининг муайян қисми пластик картага тушади. Нақд пулга эҳтиёж туфайли ундаги маблағнинг бир қисmini "ечиш" зарурати пайдо бўлди. Тўғриси, яқин ўртада бу "муаммо"га дуч келмагандим. Устига-устак, пул эртага ёки индин эмас, бугун зарил.

## КАРТАНГИЗДА ПУЛ БЎЛСА БАС — НАҚДИ МУАММО ЭМАС...

Масала ечимни ўйлантириб қўйди. Шу ўй-хаёл билан кўчага чиқдим. "Олой" деҳқон бозори ҳудудида банкومات борлигини эшитиб, шу ёққа йўл олдим. Одам гахжум жойга ўрнатилган махсус қурилма орқали картасидаги пулни нақдлаштириб олаётганларни кўриб, кайфиятим кўтарилди.

Буни қарангки, навбат менга келганида банкوماتда пул тутади. Начора, бўлиши мумкин.

Шу ерга яқин жойда савдо қилувчилардан бири йигирма дақиқалар ичда банк ходими келиб, аппаратга пул жойлашини айтиди. Ўйга толдим, кетай десам, пул керак, кутай десам, банкирнинг келишига ишонқармайман.

Иккилансам-да, кутишга аҳд қилдим. Аммо, мендек зарурат билан бу ерга келганларнинг аксарияти тарқалди. Бир зумда сафимизга яна 4-5 киши қўшилди.

— Буларнинг йигирма дақиқаси икки соатга чўзилиши аниқ, — дея гап бошлади кўринишидан 20 ёшларга кирган бир йигит. Банк ходимлари номига "ширин" сўзлар айтишдан тийилмади. Сабрсизлиги шундоқ кўриниб турган бу ўғлон билиб-билмай шу ердаги одамларда ишончсизлик, норозилик кайфияти уйғонишига туртки берди, десак хато бўлмайди.

Йигилганлардан бири — ўттиз ёшлардаги аёл унинг гапини маъқуллагандек бош ирғади.

— Ишни яхши йўлга қўйишмаган. Банкومات орқали пулимизни нақд қилиб берса, фоизини олади, қарамайди, — дейди у ҳам норози оҳангда.

Бу ерга келганига кўпи билан 5-10 дақиқа бўлган бу ёшларнинг сабрсизлиги, шундай оҳангдаги гап-сўзи одамни ташвишлантиради. Уларнинг жамоат жойидаги бу хатти-ҳаракати ҳеч қандай мезонга, ўзини туттиш маданиятига тўғри келмаслигини айтмоқчиман. Буни ўқиш ёки ишга шошиш билан изоҳлаб бўлмайди.

Мавзудан четлашмайлик. Айтишларича, банк атиги 1 фоиз, бошқача айтганда, юз мингдан минг сўм ушлаб қолар экан. Шундан йигила-

диган пуллар қаерга кетади? Маълум — банкда айланади, сизу бизнинг ойлик маошимизга, талабалар стипендиясига, пенсияларга, юртимиз тараққиётига йўналтирилади. Ҳар ҳолда кўча-қўйда нисбатан баланд фойида иш қилаётган "уддабурон"ларнинг чўнтагига кирмайди.

Қисқаси, йигирма дақиқа ўтар-ўтмас, тушлик вақти бўлишига қарамай, банк ходими келди. Ишим битди. Кайфиятим яна кўтарилди.

Эҳтимол, бу ҳолат одамлар эътиборини қаратишга арзимас. Аммо, мени ўйлантирди. Шу маҳал бир пайтлар картадаги маблағни нақдлаштириш учун 10-15, ҳатто 20 фоизгача ушлаб қолинишига рози бўлганим, лекин шуни ҳам чораси топилмагани натижасида қийинчиликларга дуч келганларимни эсладим. У даврларда банкомат, деган нарсанинг ўзи йўқ эди. Шуқри, ҳозир жойларда шундай қурилмалар сони кўпайиб бораётир. Картадаги пул бўлса бас — нақди муаммо эмас.

Техника, инновация ривожланиб бораётган бугунги кунда қўл телефони орқали қисқа вақт ичда картадан картага пул ўтказиш каби катта қулайлик яратадиган бир қанча операцияларни амалга ошириш мумкин. Дарвоқе, бу имкониятлар маблағини нақдлаштириш истагини қўқаролар сони камайишига сабаб бўлаётгани бор гап. Зеро, "Электрон ҳамён"даги пулни олиб юриш, ишлатиш ҳар жиҳатдан қулай.

...Ишимиз олдинма-кейин битган ҳалиги юртдошларимизга бир неча йил аввал пластик картадаги маблағни нақдлаштириш қандай муаммо бўлганини эслатдим, айни кунда давлатимиз раҳбари сазй-ҳаракати билан мазкур масала тўла ўз ечимини топаётгани, бу борада яратилган қулайлиги имкониятлар ҳақида гапиргим келди. Ҳатто, уларга шукроналик, қаноат, сабр қилган одам яхшиликларга рўпара келиши хусусида сўз айтишга чоғландим. Аммо, вазият бунга имкон бермади. Шу боис, мазкур мақолани ёздим.

**Холмурод САЛИМОВ**

# ЗАМОНАВИЙ КУШХОНАЛАР ТАРМОҒИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Бўка туманидаги "Йўлдош Хожиматов" фермерлар уюшмаси ҳудудида кушхона фаолияти билан шуғулланувчи "Meat gold grand" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Айтиш жоиз, замонавий кушхона фаолиятини йўлга қўйиш ва барқарор ишлашини таъминлаш бўйича 21 кишидан иборат виллоят ишчи гуруҳи тузилгани бу борада янада кенг қамровли, изчил иш олиб борилишини таъминланмоқда.

## Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 сентябрдаги "Республика аҳолисини қишлоқ ҳўхалик ҳайвонларида учрайдиган юкмили касалликлардан муҳофаза қилиш ҳамда қўш ва сўт маҳсулотларини етказиб бериш ва соғити чоғида ветеринария – санитария ҳолатларига риоя этиш тўғрисида"ги қарори ҳамда "Республика ҳудудларида чорва молларини автоматизациялаштирилган равишда сўйиш ва териға бирламчи ишлов бериш бўйича "Мини – комплекслар"ни ташкил этиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида"ги тегишли мажлиси баёни ижросини таъминлаш, шунингдек, виллоятимиз ҳўхмининг 2018 йил 12 январдаги "Чорва молларини "Замонавий кушхона"да сўйилишини ташкил этиш ҳамда ветеринария ва санитария талабларига жавоб бермайдиган қўш ва сўт маҳсулотларини истеъмолга чиқарилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркор Азиз Каримов тиниб-тинчмайдиган, фидойи инсонлардан бири. Унинг ташаббуси ва саяй-ҳаракати билан ташкил этилган ушбу комплекс чиндан ўзига хос замонавий кўриниш касб этган. Бу ерда ҳақиқатан ҳам мол ва қўйларни автоматизациялаштирилган равишда, замонавий услубда сўйиш ва териға бирламчи ишлов бериш бўйича барча зарур шарт-шароитлар мўҳайё қилинган. Корхона ишга туширилиши муносабати билан 20 та янги иш ўрни яратилди. Ва айни бир пайтда касб-хўнар коллежи битирувчилари ҳам иш билан таъминланди.

Эндиликда ушбу комплексда нафақат Бўка тумани аҳолиси, балки ҳудудга яқин Оққўрғон, Пискент, Оҳангарон ва Бекобод туманида яшовчи фуқаролар ҳам ўз мол ва қўйларини замонавий услубда сўйдириб, олиб кетишлари мўмкин. Кушхонада бир кўнда 250 та қўрамоқ, 500 та қўйни сўйиб бериш имконияти мавжуд. Кенг ва шинамоналар, 2 минг 500 тонна қўш ва бошқа озиқ-

овқат маҳсулотларини сақлаш мўмкин бўлган музлаткичлар мижозлар хизматиға тайёр бўлиб турибди. Қолаверса, ушбу комплексда ветеринария, санитария-лаборатория ишлари қатъий тартибда йўлга қўйилган. Мақсад битта – ветеринария ва санитария талабларига жавоб бермайдиган қўш маҳсулотларини истеъмолга чиқармаслик, аҳолини тоза ва сифатли қўш билан таъминлашдан иборат.

– Иш фаолиятимизни бошлаганимизға ҳали кўп бўлмаса-да, буюртмачилар бирин-кетин кела бошлади, – дейди корхона раҳбари Азиз Каримов. – Албатта, бу кам. Молларини ноқонуний йўл билан сўйдириб, ҳеч қандай ҳужжатсиз шаҳарға, бозорларға топшириб келётган фуқаролар ҳамон учраб турибди. ИИБ ходимлари, йўл-патруль хизмати мутасаддилари, санитария посбонлари хўш-ёр ва эътиборли бўлсалар, мақсадға мувофиқ бўлур эди.

Дарҳақиқат, замонавий кушхонада сўйилмаган, тегишли ҳужжат ва мўҳра эға бўлмаган, санитария назоратидан ўтмаган қўш маҳсулотларини бозорларға қўймаслик шарт. Шифохоналарға, мактаб ва боғчаларға, умумовқатлаш мўассасаларига етказиб бериладиган қўш маҳсулотлари фақатгина замонавий кушхонада сўйдирилиши зарур.

Ашуррали БОЙМУРОДОВ

Ҳаётиимизни электр энергиясиз тасаввур этиш қийин. Ҳар кунни биз фойдаланадиган маиший техникаларнинг ишлаши бевосита шу ресурсға боғлиқ.

## Хабарингиз борми?

Электр энергиядан фойдаланиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 12 январдаги "Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилган.

Мазкур ҳужжатға асосан электр энергия ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш, замонавий ускуналарни харид қилиш, ўрнатиш, рўйхатдан ўтказиш, даврий давлат қиёс-лови ва пломбалаш ҳудудий электр тармоқлари корхонала-



ри ва газ таъминоти ташкилотлари маблаглари ҳисобидан амалга оширилади.

Ушбу ташкилотлар электр энергия ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарининг даврий давлат қиёс-

электр қурилмаларининг янги ёки қўшимча қувватларини ҳудудий корхоналарнинг электр тармоқларига улаш учун техник шартларни олишға мажбур. Бусиз қурилмаларни лойиҳалаштириш, қурилиш-монтаж

ишларини бошлаш ва ҳудудий электр тармоқларига улаиш тақикланади.

Шу ўринда, истеъмолчиларнинг мажбуриятлари ҳусусида ҳам қисқача сўз юритсак.

Истеъмолчилар тўлов бўйича қарздор бўлганда, тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун 0,1 фоиз, муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Маиший истеъмолчи ўз хоҳишиға кўра, 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун олдиндан ҳақ тўлаши мўмкин. Бунда тариф ўзгарса ҳам қиймат қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

ЎМИРЗОҚ ГАНИЕВ,  
виллоят Рақобат бошқармаси бўлим бошлиғи

## 2018 йил 1 февраль – 28 февраль кунлари Тошкент виллояти деҳқон бозорлари ва савдо ярмаркалари расталарида сотиладиган асосий турдаги маҳсулотларнинг ЭНГ ЮҚОРИ ЧЕКЛАНГАН НАРХЛАРИ

| № | Маҳсулотлар номи       | Ўлчов бирлиги | Энг юқори чекланган нархлар (сўм) |
|---|------------------------|---------------|-----------------------------------|
| 1 | <b>Картошка:</b>       |               |                                   |
|   | Маҳсус растада         | кг            | 3 000                             |
|   | Тадбиркорлар растасида | кг            | 3 500                             |
| 2 | <b>Пийёз:</b>          |               |                                   |
|   | Маҳсус растада         | кг            | 1 800                             |
|   | Тадбиркорлар растасида | кг            | 2 200                             |
| 3 | <b>Сабзи</b>           | кг            | 1 500                             |
| 4 | <b>Гуруч:</b>          |               |                                   |
|   | Маҳсус растада         | кг            | 4 000                             |
|   | Аланға                 | кг            | 5 000                             |
|   | Авангард-Нукус         | кг            | 5 000                             |
|   | Лазер                  | кг            | 7 000                             |
| 5 | <b>Мол қўшти:</b>      |               |                                   |
|   | Маҳсус растада         | кг            | 27 000                            |
|   | Тадбиркорлар растасида | кг            | 32 000                            |

|   |                            |      |        |
|---|----------------------------|------|--------|
| 6 | <b>Қўй қўшти:</b>          |      |        |
|   | Маҳсус растада             | кг   | 28 000 |
|   | Тадбиркорлар растасида     | кг   | 33 000 |
| 7 | <b>Товуқ қўшти</b>         | кг   | 18 000 |
| 8 | <b>Тирик балиқ:</b>        |      |        |
|   | Сазан, бёлий амур, пёстрый | кг   | 14 000 |
|   | Толстолоб                  | кг   | 10 000 |
| 9 | <b>Тухум:</b>              |      |        |
|   | Маҳсус растада             | дона | 550    |
|   | Тадбиркорлар растасида     | дона | 650    |

Тошкент виллояти Молия бошқармаси бошлиғи **Ф. Худойбердиев**  
Тошкент виллояти Давлат Солиқ бошқармаси бошлиғи **А. Файзибоев**  
Тошкент виллояти Рақобат бошқармаси бошлиғи **К. Тоирбеков**  
"Тошвизбозорсавдо" уюшмаси бошқаруви раиси **Ф. Абдувоҳидов**

## Хушхабар

Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган XIII Болалар ва ўсмирлар ижодий Бутунжаҳон фестивалида юртимиз шарафини Зухра Хасанбоева раҳбарлик қилаётган Янгийўл туманидаги 22-Болалар мусика ва санъат мактабида таълим олаётган ёш истеъодлар муносиб ҳимоя қилди.

## ЯНГИЙЎЛДАН ТАРАЛГАН НАВО

Кўрик-танлов натижаларига кўра, рақс йўналиши бўйича Зиёда Зайнитдинова, Ариана Кувшинова, Севинч Абдуллажоновна, Бернур Қосимбекова каби иштирокчиларимиз 1-ўринни кўлга киритган бўлса, вокалда Бехзод Ботиралиев 2-ўринга сазовор бўлди.

– Жонажон Ўзбекистонимизда барча соҳалар каби санъатни ривожлантиришға ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Болалар мусика ва санъат мактабининг хореография бўлими раҳбари Ҳабибулла Сантов. – Президентимиз томонидан ёшларимизға яратиб берилаётган шарт-шароитлар, кўрсатилган ғамхўрлик уларни юксак марраларни эғаллашға ундамоқда. Бу эса ўз навбатида, биз, устозлардан катта масъулият талаб қилади. Санкт-Петербургда бўлиб ўтган нуфузли танловда фарзандларимиз ўз маҳоратларини тўла намойиш эта олдилар. Улар ижросидаги миллий йўналишдаги рақолар, жонли овозда айтилган сара қўшиқлар ҳайъат аъзолари ва томошабинлар томонидан илиқ қутиб олинди. Ушбу танлов ёш истеъодларнинг саҳна маданияти ва ижрочилик маҳоратини оширишға катта туртки бўлиши аниқ.

Бахтиёр ЖўРАЕВ

## Диққат, танлов!

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» XIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун кенг шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий мушоҳада ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш ва рағбатлантириш мақсадида "Олтин қалам" XIII миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кўниға бағишланган бу танловға 2017 йилнинг 31 мартдан 2018 йилнинг 31 мартгача – бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирға узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2018 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

**Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:**

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот** Ғолиб маҳсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:** Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма оммавий ахборот воситалари – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдоридан пул

мукофоти билан тақдирландилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирландилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирландилар.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:**

оммавий ахборот воситаларида китобхонлик маданияти тарғиб қилинган энг яхши материал учун;

чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материал учун;

энг яхши фоторепортаж; энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, "Олтин қалам" статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирландилар.

"Олтин қалам" танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-ҳаражатлар Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фонднинг молиявий кўмағида амалга оширилади.

Шунингдек, миллий ҳамкорлар ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО каби қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва элчихоналар ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган (илова қилинади).

**Танлов шартлари:** Танловға теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видео-материаллар (CD, DVD дискда) 3 дақиқадан 30 дақиқача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

**Танловға юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши шарт:**

– муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка); – муаллифнинг тураржойи, уй ва иш телефонлари; – паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанили мукофотлаш маросими 2018 йил 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кўниға тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсға тақдоран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловиға деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилға юборилиши лозим:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават.

Телефонлар: 244-64-61, 244-37-87.

www.journalist.uz

\*\*\*

**Илова**  
Миллий ҳамкорлар таъсис этган номинациялар Ўзбекистон Касба уюшмалари федерацияси кенгаши:

1. "Меҳнат муносабатлари ёритилган энг яхши материал учун".

2. "Ижтимоий шериклик мавзуси ёритилган энг яхши материал учун".

**Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди:**

1. "Инновацион ғояларни тарғиб этган энг фаол журналист".

2. "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ижросини ёритган энг фаол журналист".

**Халқаро ҳамкорлар таъсис этган номинациялар**

**ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси**

"Инсон ҳуқуқлари бўйича Конвенциянинг 70 йиллиғиға бағишланган энг яхши материал учун" (таълим, маданият ва оммавий ахборот во-

ситалари соҳалари бўйича).

**Project HOPE (ЮСАИД дастури) (АҚШ)**

1. "Сил касаллигининг олдини олиш ва даволаш масалалари ёритилган энг яхши материал учун".

2. "Сил хасталиғиға чалинган беморларға нисбатан бағрикенглик" мавзусидаги энг яхши материал учун".

**DW International (Германия)**

"Шахс ва жамият ривожини катта ёшдагиларни ўқитиш/бошқа касбға йўналтиришнинг ўрни ҳақидаги энг яхши материал учун" (фақат босма ва онлайн ОАВ журналистлари учун).

**"Минтакавий мулоқот" халқаро ташкилоти (Словения)**

"Коррупцияға қарши кураш ёритилган энг яхши материал учун".

**АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси**

"Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги алоқалар ривожини ҳақидаги энг яхши материал учун".

**ХХРнинг Ўзбекистондаги элчихонаси**

1. "Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги самарали ҳамкорлик ёритилган энг яхши материал учун".

2. "Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ривожини ҳақидаги энг яхши материал учун".

3. "Бир макон – бир йўл" қурилиши ёритилган энг яхши материал учун.

**Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси**

1. "Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги энг яхши материал учун" (пойтахт журналистлари учун).

2. "Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги энг яхши материал учун" (худудий журналистлар учун).

3. "Ўзбекистон ва Туркия ўртасида туризмни ривожлантириш масалаларига бағишланган энг яхши материал учун" (худудий журналистлар учун).



**Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги Озарбайжон маданият маркази**

1. "Ўзбекистон ва Озарбайжон: Буюк Ипак йўлида қадим замонлардан бугунга қадар".

2. "Ўзбекистон ва Озарбайжон – кўп миллатли ва бағрикенг мамлакатлар" мавзусидаги энг яхши материал учун".

**Марказий Осиё минтакавий экология марказининг филиали (РЭЦА)**

"Суё-экология мавзусидаги муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган энг яхши материаллар учун" (иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида сувни тежаш борисида амалга оширилаётган ишлар).

Фотохўбирлар, босма ва электрон ОАВ журналистлари учун 3 та номинация.

**Гёте институти**

"Ўзбекистоннинг маданият соҳасидаги сиёсати масалаларига бағишланган энг яхши материал учун".

Шу билан бирға Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ва Грузия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳам ўз мукофотлари билан иштирок этишни режалаштирмоқда.

## Эълонлар

# Микрофирма ва кичик корхона раҳбарлари диққатига!

Микрофирма ва кичик корхона (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари) раҳбарлари ҳамда масъул ходимларини 2017 йил учун қуйидаги:

– 1-KB shakli, 1-KB shakliga ilova (QM), 1-KB shakliga ilova (qurilish), 1-KB shakliga ilova (TIF), 1-KB shakliga ilova (sanoat), 1-KB shakliga ilova (energo), 1-KB shakliga ilova (QX), 1-KB shakliga ilova (EKO), 1-KB shakliga ilova (AKT), 8-sanoat (kuzatuv anketasi) йиллик давлат статистика ҳисоботини 2018 йил 26 февралдан кечиктирмасдан электрон имзодан фойдаланган ҳолда интернет тармоғи орқали топширишлари юзасидан огоҳлантириб ўтаимиз.

Ҳисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғишни автоматлаштирилган тизими eStat 2.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади.

eStat 2.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблон)ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг www.stat.uz расмий веб-сайтидан олишингиз мўмкин.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2017 йил учун юқоридаги давлат статистика ҳисоботини тақдим этишни ҳўхалик юритувчи субъектлар рўйхати б о ш қ а р м а н и н г

www.toshvilstat.uz расмий веб-сайтиға жойлаштирилган.

**Тошкент виллоят статистика бошқармаси**

"SUR"AT KARGO" масъулияти чекланган жам

## ЭЪТИҚОДНИНГ НУРЛИ ЙЎЛИ

Мамлакатимизда эътиқод эркинлиги, виждон эркинлигини таъминлаш бўйича ҳар қачонгидан ҳам кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

## Маънавият

Муқаддас динимиз, миллий қадриятларимизни, азиз авлиёларимизнинг хотираси, меросини тиклаш, қадамжоларни обод қилиш борасидаги ишлар авж палласида. Ҳеч шубҳасиз, бу жараёнда диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаган авлод тарбияси муҳим аҳа-

мият касб этмоқда. Бу борада, "Жаҳолатга қарши — маърифат" ёси доимий шиоримизга айланаётгани айти мумкин.

Ҳозирги кунда республикамиз бўйлаб ўтказилаётган Қуръон мусобақалари ёшлар маънавияти, камолоти учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Вилоятимизда ҳам ҳудудий Қуръон мусобақалари юқори даражада ўтказилмоқда. Жумладан, Зангиота тумани, Назарбек қўғонидан хотин-қизлар ўртасида ўтказилган мусобақада 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган аёллар иштирок этди. Қорияларимизнинг Қуръон ўқиш бўйича лаёқатлари уламолар, шариат пешволари томонидан эътироф этилиб, алоҳида маҳоратини намойиш этган Азизахон Мўминова, Мунисахон Фах-

риддинова, Дилдора Муллахонова, Насиба Маликова-лар биринчи ўринга муносиб кўрилди.

Чирчиқ шаҳридаги "Марказий" жоме масжидида қорилар ўртасида ўтказилган Қуръон мусобақасида эса Шомухаммад Искандаров, Абдор Алимов, Раҳматуллох Муродов, Ҳимойдин Тошболтаевлар, Зангиота туманидаги "Нурул Исло" жоме масжидида ўтказилган 3-ҳудудий босқичда эса, Мухаммадсоби Холматов,

Аслхон Хошимов, Файзулло Юнусов ҳамда Мухаммад Али Сайдалиевлар 1-ўринни эгаллашди.

Мусобақаларда иштирок этган вилоят имом-хатиби Хайрулла Турматов барча қатнашчиларнинг ихлос ва иқтидорини алоҳида таъкидлаб, аслида бу дунёда Қуръони Каримга меҳр қўйганларнинг барчаси ғолиб эканини таъкидлади.

Сайёра РИХСИЕВА,  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

ҚУРЪОННИ  
ҚАДРЛАГАН ЮРТДАН  
БАРАКА АРИМАЙДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бутун мамлакат миқёсида Қуръон мусобақасининг ташкил этилгани халқимиз кўнглидаги иш бўлди.

## Дилдаги гаплар

Юртимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган мусобақанинг дастлабки босқичи халқимиз орасида ушбу муқаддас каломни тўлиқ ёд олган ва уни чиройли тиловат қилишга уста бўлган қорию қориялар кўпчилиги, минглаб одамлар Қуръони Каримнинг ҳақиқий муҳлиси эканини намоён этди ва катта байрам руҳини олди.

Албатта, юртимизда аввал ҳам Қуръон қироати бўйича мусобақалар ўтказилган. Бироқ, тор доирада ташкил этилган уша танловларда, асосан, диний муассасалар талабалари иштирок этарди. Кенг қамровда ўтказилган янги мусобақада эса Қуръонни ёд олган ва тиловат устаси бўлган 18 ёшдан 40 ёшгача ҳамюртларимиз қатнашмоқда.

Биз Зангиотадаги "Қумарик" маҳалласида жойлашган "Нурул Исло" жоме масжиди мезбонлик қилган мусобақанинг саралаш босқичида меҳмон сифатида қатнашдик. Зангиота, Оққўрғон, Куйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Пискент ва Янгийўлдан келган қориларнинг қироатларини эшитиб, қалбимиз нурга тўлди, қўлимизни очиб, Яратгандан юртимизга барака, халқимизга фаровонлик сўрадик, мусобақани ташкил этган давлатимиз раҳбарини дуо қилдик.

Шу ўринда, Қуръон мусобақасининг ёшлар тарбияси, уларнинг муқаддас Исломи динига бўлган эътиборини янада ошириш, имон-эътиқодини мустаҳкамлашга таъсири беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Президентимиз вилоятимиз фаоллари билан учрашувда Қуръони Каримнинг маънавий, маърифий ва тарбиявий аҳамияти ҳақида тўхталиб: "Қуръонни эшитиш, эшита билиш у — маънавият, у — маърифат. Қуръон ҳеч қачон ёмонликка даъват қилмайди, агар уни эшита олсак, эшиттира олсак, бу муваффақият бўлади, элимизга нур келади", деб таъкидладилар.

Дарҳақиқат, Қуръони Карим жамики муаммолар шифоси, ўқиган ва тингланган қалбларга раҳматдир. Аллоҳ таоло "Бақара" сурасининг иккинчи оятида Қуръон тақводор бандаларини икки дунё саодатига йўлловчи ҳидоят эканини марҳамат қилади.

Халқимиз азалдан Қуръонни эъзозлаб, улуғлаб келган, қорилар юксак қадрланган. Шукри, овоз ва обод Ватанимизда Аллоҳнинг каломини мукамал ёд олган ҳамюртларимиз кўп экан. Зотан, Қуръон янграган жойдан барака аримайди.

Азизжон АЛИМЖОНОВ,  
"Қуръон мақоми" жоме  
масжиди имом-хатиби

## Спорт/Спорт/Спорт/Спорт

МАРРАДА КИМ  
БИРИНЧИ?

Енгил атлетика бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ёпик ишюотларда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида вилоятимиз спортчилари юқори натижаларни қайд этди. Андижонда ташкил этилган мусобақада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган икки юз нафардан зиёд истеъдодли ёш спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Қизлар ўртасидаги ядро улоқтириш баҳсларида олтин медаль учун вилоятимизнинг икки спортчиси ўзаро рақобатлашди. Унда Ширинмоҳ Турдубоева ядрони 10 метру 77 сантиметрга улоқтириб, биринчи ўринга лойиқ топилди. Фариза Абдувалиева эса 10 метру 75 сантиметр натижа билан кумуш медалга сазовор бўлди.

Турли масофаларга югуриш баҳсларида Нурсултон Бектанов бир жуфт кумуш, Александр Нувальцев иккита, Жавоҳир Зокирхўжаев битта бронза медалга эга чиқди.

Истеъдодли атлетларимиздан Доинёр Қўчқоров узунликка ва уч ҳатлаб сакрашда шохсупанинг иккинчи погонасини банд этди.

Шунингдек, Тошкент вилояти жамоаси 200 ва 400 метрга югуриш бўйича эстафета баҳсларида ҳам икки мартаба совриндорлар қаторидан жой олди.

ҚИРҚ  
ДАҚИҚАДА  
18 ТА ГОЛ

Пойтахтдаги "Ёшлик" спорт мажмуасида футбол бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон XIV миллий чемпионати бошланди.

Мусобақада илк маротаба қатнашган Бекободнинг "Металлург" жамоаси қизларининг маҳорати дарров овоза бўлди. Вилоятимизнинг яна бир вакили — Олмалиқнинг "АГМК" жамоасига қарши тўп сурган Бекободликлар учрашувда рақиб дарвозасини 18 (!) маротаба аниқ нишонга олди.

Бекободликларнинг тўлиқ устунлигида ўтган ўйинда Нозима Камолтеева тўртта, Махлиё Сарикова учта, Юлдуз Набиева, Холида Дадабоева, Камола Рискеева иккитадан, Феруза Турдубоева, Ирода Турдалиева, Елена Логуткина, Мавлуда Мунавварова ҳамда Дилдора Нозимова биттадан голга муаллифлик қилди.



Бу йилги чемпионатда вилоятимиз жамоаларидан ташқари Қаршининг "Севинч", пойтахтнинг "Локомотив" ва "Пахтакор" клублари ҳам иштирок этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакат биринчилиги мусобақалари шу йилнинг 2-12 май кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида футбол бўйича аёллар ўртасида ташкил этиладиган Осиё чемпионати таъйинланган вазири ҳам ўтади. Миллий чемпионатда ўз маҳоратини намоийш этган чарм тўп усталари Таиланддаги мусобақага жалб этилади. Терма жамоамиз зиммасига Осиё чемпионатида совринли ўринлар учун курашиш вазири юклатилган.

Ўз мухбиримиз

## БАРҲАЁТ СИЙМОЛАРГА САДОҚАТ



Нурафшон шаҳридаги саноат касб-ҳунар коллежида "Олтин мерос" халқаро хайрия жамоат фонди вилоят муассасаси томонидан улуг алломаларимиз — Мир Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди.

## Аждодларимиз — фахримиз

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу тадбирда сўзга чиққан "Олтин мерос" фонди республика бошқаруви раиси Амиркул Каримов, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, рассом Мухаммад Фозилий ва бошқалар икки

буюк шахс — Алишер Навоий ва Мирзо Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, қолдирган бой ижодий мероси ҳақида сўз юритишди. Аждодларимизнинг буюкликка дохил этган улуг инсоний фазилатлари, адолатпешалик ва самимий туй-

ғулари акс этган асарлари, ривоятлари ҳақида гапириб беришди. Рассом чизган суратлар кўрғазмаси намоийш этилди.

"Олтин мерос" фонди қошида ташкил этилган "Муножот" ансамбли бадиий раҳбари Абдурашид Исоқовнинг Навоий ва Бобур ғазаллари билан айтилаётган қўшиқларини иштирокчилар мароқ билан тингладилар. Айтиш, ушбу фонднинг вилоят муассасаси раҳбари Зарифа Эшмирова айтиб берган тарихий ҳикоялар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.


Тадбирда фаол иштирок этган ёшларни вилоятдаги қадамжолар, тарихий ёдгорликлар бўйлаб саёҳатга олиб бориш ҳақидаги хабар ўғил-қизларимизни қувонтирди.

Юқори Чирчиқ туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабида ҳам икки буюк сиймонинг таваллуд кунлари муносабати билан "Буюк сиймоларга садоқат" мавзуда назм ва наво кечаси ташкил этилди.

Унда маҳаллий ижодкорлар, маҳалла фаоллари, ўқитувчи ва ўқувчилар, адабиёт инсонида иштирок этди. Сўзга чиққанлар Навоий ва Бобур ижоди, ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилишди. Шунингдек, ўқувчилар томонидан тайёрланган сахна кўринишлари намоийш этилди, ғазаллардан ёд олиниб, қўшиқлар янгради.

С. ЭШМАТОВА

## Қиш илҳомлари



Қор — мўғжиза. Яратганнинг табиат ва инсониятга ёдидир раҳматидир, бу асли.

Қор бу — ижод. Қор бу — илҳом. Муҳаббат энг чиройли кўйларини қор ёққанда битган бўлса, эҳтимол. Энг романтик онлардаги сева изҳорлари ҳам



айнан қор нарчалари замин томон интихиланида билдирилган бўлса, не ажаб? Қаламжоннинг энг ҳаётий асарлари шундай оппоқ онларда битилган бўлса-чи?

Ёғабер, оппоқ қор. Зора, қалбимиздаги ғуборларни, кўнглимиздаги дин-қудратларни, руҳимизни чарчат-



ган ғамларни эрта-индин эриб, тунроққа сийлиб кетганини қаи ёққотсанг.

Қалбларга оққондан, эзулукдан насиба улашиб ёғабер, эй, оби раҳмат!

Ҳасан ПАЙДО сурат-лавлари

## Ҳажвчи бисотидан

Махсум карнайчи анча табаррук бўлиб қолган одам. У кўпларнинг тўйида хизмат қилган, юртнинг дуосини олган киши.

Ҳар тўйида бир айб дегандек, Махсум карнайчининг ҳам дилида битта армони бор эди. У эсини танибдики, тўйларда карнай чалади. Аммо, унга Худо биттагина ўғил бермади. Қани мен ҳам ўғил кўрсаму, юртни йиғиб ош берсам, деб эртаю кеч овқат устида ҳам, карнайни юваётганда ҳам тилак тиларди.

Бундан тўрт йил олдин Махсум карнайчининг тонгларда тилаган тилаги ижобат бўлиб, Худо унга кўчқордек ўғил берди. Бола йўлга кирди, дадасининг карнайига миниб, от қилиб, ўйнайдиган бўлди.

Махсум карнайчи энди юртдан еган ошларини узиш ниятида тўй тараддудига киришди. Ташқари ҳовлига тандир қурдирди. Кўрпа қавитди. Хуллас, тўй яқин қолди.

Дурадгорнинг тўйида дурадгор, қассобнинг тўйида қассоб дегандек, албатта, карнайчининг тўйида карнайчи хизмат қилади. Махсум карнайчи ёр-биродарларига хат жўнатди. Ўзбекистоннинг

ни тўрткўз бўлиб кутиб туришган экан. Хат бориши билан йўлга чиқишди.

Катта ҳовлига одам сизмай кетди. Созандаларга алоҳида жой, карнайчиларга қилинган икки сўри



ҳамма ҳудудларидаги карнайчи биродарларига таклифнома юборди. Тожикистон, Қирғизистон тарафларда анчагина шогирдлари бор эди. Улар устознинг тўй қилиши-

торлик қилиб қолди. Эллик тўрт карнайчи карнайларини келин тушган уйнинг самоваридек тиш порроқ билан ялтиратиб келишибди.

Қассобниқига борган гўшт ейди. Боғбонниқига борган олма, узум ейди. Новвойниқига борган нон ейди. Карнайчиникига келган карнай эшитиш экан.

Тўй қизиб кетди. Созандаларга аранг бир марта гал келди. Шогирдлари ҳунарларини астойдил намоийш қила кетишди. Эллик тўрт карнайчининг ҳар бири ярим соат чалганда ҳам йиғирма етти соат тинмай карнай чалиниши керак. Бир сутка-ю уч соат "ват-ват".

Тўй бошқараётган киши анча тадбирли экан, ўн икки соатдан кейин бошқа карнайчилар армонда қолмасин, деб ўттиз карнайчини тўплаб, умумий марш таклиф қилди. Ўттиз карнай, ногона, сурнай бир чалиш қилдики, шаҳар момақалдиқроқ ичида қолгандек бўлди.

Тўй кунини мен Андижонда эмас эдим. Аммо, карнай товушини Тошкентда бемалол эшитиб турдим.

Санд АҲМАД

ОБ-ХАВО  
МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 17 февраль кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-7 даража совуқ, кундузи 4-6 даража илқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Баъзи жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10 даража совуқ, кундузи 1-6 даража илқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Баъзи жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-13, кундузи 2-7 даража совуқ бўлади.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**  
Муассис:  
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

Бош муҳаррир  
**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**

Маълумият:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар  
кўчаси, 32.  
Электрон почта:  
thaqiqat@uamail.uz

Қабулхона:  
Бош муҳаррир ўринбосари:  
Масъул котиб:  
Бўлим муҳаррирлари  
Шартнома ва эълонлар:  
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:  
233-58-85 (факс)  
233-70-10  
233-12-83  
233-38-23, 233-48-08  
233-81-21, 233-65-59  
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Масъул котиб  
**Зоҳир ТОШХЎҲАЕВ**  
Назоратчи мусаввиф  
**Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА**  
Саҳифаловчи  
**Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ**